

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ СУБЕКТЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛИДАГИ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Кучкорова Ёъзоза Рахимжон кизи

*Тошкент Халқаро Молиявий бошқарув
ва Технологиялар Университети*

Бухгалтерия хисоби ва

молия факултети

3-курс талабаси.

Аннотация. Мақолада корхоналар билан тузиладиган шартномалар онлайн тузишга ўтказилиш тартиби, тўлов турларини замонавийлаштириш, электрон пул тўлов воситаларидан кенг фойдаланиш йўллари очиқ берилади.

Таянч сўзлар: тижорат банклари, корхоналар, пул маблағлари, хавфсизлик, электрон пул, тўловлар, pay me, click, payway, E-card, Oson.

СИСТЕМА ЭЛЕКТРОННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ РАЗРАБОТКА

Кучкорова Ёъзоза Рахимжон кизи

Ташкентский международный финансовый менеджмент

итехнологический университет Бухгалтерский учет и

Факультет финансов Студент 3 курса.

Аннотация. В статье рассматривается порядок перевода договоров с предприятиями на онлайн-заключение, модернизация способов оплаты, широкое использование электронных платежных инструментов..

Ключевые слова: коммерческие банки, предприятия, фонды, безопасность, электронные деньги, платежи, pay me, click, payway, E-card, Oson.

Кириш: Электрон пуллар технологик ечимларга асосланган холда тўловларни осон ва кулай ўтказиш имконини беради. Рақамли пул воситалари нақдсиз пулларнинг бир тури сифатида, сақлаш олиб юриш

учун кулайдир.Шу билан биргаликда бу тизимнинг хавфсизлиги ҳам назорат қилинади,махсус пароллар орқали хар бир шахс ўз электрон ҳамёнларига химоя чораларини ўрната олишади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **Электрон пулларни чиқарилиши ва муомилада бўлиши қоидалари**, ишлаб чиқилиб Адлия вазирлигида 2020-йил 29-апрелда 3231-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.[2]

Асосий қисим: Юртимизда рақамли технологиялар жадал суръатларда ўсиши, кўплаб электрон платформаларни яратиш,янги маълумотларни қўшиш, тўплаш, замонавий билимларни ўрганиш имкониятини бериб келмоқда. Электрон пулларни такомиллаштириб бориш ҳаётимизга янада кулайликлар,тезкорлик, тубдан янги ўзгаришлар олиб киради. Биламизки ҳозирда электрон пулларнинг турлари кўпайиб бормоқда,юртимизда ҳозир жорий этилган транспорт воситалари ва метро қатновларида нақд пулда емас балки электрон пуллар яни АТТО карта воситалари орқали амалга ошириш жорий этилди.Бунини ҳам электрон пулларнинг бир такомиллашуви деб ҳисобласак бўлади.Келажакда автобус ва метро қатновларида Face ID тизими жорий этилиши кутилмоқда.

Электрон ҳамён – электрон пулларни бошқаришга ёрдам берадиган виртуал инструмент саналади. Масалан, унинг ёрдамида харид ёки хизматлар учун тўлов қилиш, ўтказмаларни амалга ошириш ва ҳ.к. мумкин.

Жисмоний шахслар билан муомиладаги бўлган тўлов тизими:

Банк карталари	Электрон пуллар
Банк ҳисоб варағи очиш талаб этилади	Жисмоний шахс бўлган харидор электрон ҳамёнини банкка бормасдан очиши мумкин
Операцияларни амалга ошириш вақтида банк картаси ҳисоб-варағига мурожаат қилиш талаб этилади	Пул муомаласи бевосита электрон ҳамёнлар орқали амалга оширилади (тегишли банк комиссиялари ушлаб қолинмайди, харажатлар камаяди)
Тижорат банклари банк карталарини очаётганда миждозни идентификация қилиши керак	Электрон ҳамён эгаси идентификациядан ўтиши ёки ўтмаслиги мумкин (шунга қараб, максимал лимитлар белгиланади)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ЛОЙИХАЛАРИ ВА КАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ ХАМДА ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Электрон пул тўловларини тартибга солишда норматив ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

1. Қуйидагилар:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услуобиёти 1-иловага мувофиқ;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисобот шакллари 2 — 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Услубиётда қўлланиладиган фойда (шу жумладан, бевосита ёки билвосита фойда) ва харажат (шу жумладан, бевосита, билвосита ҳамда маъмурий харажат) атамаларининг мазмуни бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган шундай атамалар мазмунидан фарқланади ва фақат тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида қўлланилади.

3. Ишлаб чиқувчи томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаш, шунингдек тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича ҳисоботни тўлдириш ушбу Услубиёт асосида амалга оширилади.

4. Тартибга солиш таъсирини баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

«**ex-ante**» — лойиҳани тартибга солиш таъсирини баҳолаш;

«**ex-post**» — ретроспектив таҳлил (реал маълумотлар) асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан жорий этилган тартибга солиш воситасининг таъсирини ўрганиш.

Олдинги таҳрирга қаранг.

5. «Ex-ante» усули бўйича лойиҳа ишлаб чиқилишидан олдин соддалаштирилган тартибда ҳамда лойиҳани ишлаб чиқиш билан бир вақтда кенгайтирилган тартибда ТСТБдан ўтказилади:

а) лойиҳа соддалаштирилган тартибда ТСТБдан ўтказилганда қуйидаги масалалар таҳлил қилинади:

муаммо тавсифи, шу жумладан, муаммо таъсир кўрсатаётган объектлар ва субъектлар;

давлат аралашувининг зарурати, мақсади ва муаммони ҳал қилиш ёки унинг салбий таъсирини камайтириш билан боғлиқ хатарлар;

муаммони ҳал қилишнинг муқобил усуллари;

6. «Ex-post» усулини қўллашда қуйидагилар амалга оширилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат таъсир кўрсатган манфаатдор томонларни таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ўрнатилган тартибга солиш воситасининг натижадорлиги, мақсадларига эришилганлиги ҳамда унинг қўлланилиши натижасида вужудга келган ижобий ва салбий оқибатларини аниқлаш;

тартибга солиш воситасининг самарадорлигини ўрганиш;

7. Тегишли соҳада юзага келган (юзага келиши мумкин бўлган) муаммони аниқлаш, унинг сабаблари ва оқибатларни ўрганиш орқали тўғри ва самарали ечимларни ишлаб чиқиш мақсадида муаммолар таҳлили ўтказилади.

8. Муаммони тавсифлаш учун фойдаланилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш имкони бўлиши лозим.

9. Муаммо юзага келган (юзага келиши мумкин бўлган) соҳани тартибга солиш мақсадларини аниқлаш учун давлат аралашуви зарурати таҳлил қилинади.

10. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад аниқ ва лўнда белгилаб олиниши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсаднинг тўғри белгиланиши мазкур ҳужжат нормаларининг муваффақиятли татбиқ этилишини баҳолаш ва мақсадга эришиш йўллари аниқ белгилаб олишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ушбу норматив ҳужжатлар тўғрисида тўғри амалётга тадбиқ этилиши тўлов тизимини тез, осон, қулай, содда тизимда алмаштиришга қулай қилади.

Республикамизда амалётга кўпгина корхоналар тўлов тизимини нақд ва нақдсиз кўринишда амалга оширилади.

Бундан кўришимиз мумкунки, корхоналар ўртасида электрон шакилдаги тўлов тизимларини тадбиқ этиш лозим.

Электрон тўлов турлари булиб қуйидагилар ҳисобланади:



Бундан кўришимиз мумкунки корхоналар тўлов турлари шакиллантириш мижоз билан тезроқ шартнома тузиб тезроқ тўловларни амалга оширишга эришилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни Электрон тўловлар тўғрисида.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрдаги ЎРҚ-584-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан 2020 йил 3 февралдан ўз кучини йўқотади.

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 2 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2005 йил 3 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилирган қарорларни кўриб таҳлил қилсак:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Электрон тўлов тизимлари хизматларидан фойдаланишни кенгайтиришга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 26.02.2025 йилдаги 117-сон

Kuchga kirish sanasi

05.03.2025

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Электрон тўлов тизимлари хизматларидан фойдаланишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 4 мартдаги ПҚ-109-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун тўлов тизимлари хизматларидан фойдаланишда қулай шароитлар яратиш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 июлдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатувчи бюджет ташкилотлари, газ ва нефть маҳсулотини сотувчи ва мулкни ижарага берувчи юридик шахслар мажбурий тартибда электрон тўлов тизимларига уланади ҳамда тўловларни улар орқали амалга ошириш имкониятини яратади.

Бунда ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган юридик шахслар томонидан тўловларни электрон тўлов тизимлари орқали қабул қилишни рад этиш ҳисоб-китоб терминаллари орқали тўловларни қабул қилишни рад этишга тенглаштирилади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўрилиши учун асос бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. 2. Стратегик ислохотлар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2025 йил 1 июлга қадар 2025 — 2030 йилларда электрон тўловлар улушини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. А.

Электрон пуллардан фойдаланиш

Электрон пуллар тизими субъектлари – якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслардан товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун электрон пуллардан фойдаланилади. Улар учун махсус электрон ҳамёнлар шакллантирилади, уларга реализация қилинган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун ЭП қабул қилинади ва кейинчалик эквивалент сумма банк ҳисобварақларига ўтказилади. Юридик шахслар ва ЯТТ электрон ҳамёнларидаги электрон пулларни қайта сотиш тақиқланади.

Электрон пуллар бўйича ҳар қандай операция чек ёки тасдиқловчи ҳужжат билан тасдиқланади. У электрон ҳамён эгасининг мобил алоқа воситаларига смс-хабар ёки электрон почта манзилига хабар тарзида юборилиши шарт. Чекда қуйидагилар кўрсатилади:

электрон ҳамённинг идентификация коди;

тўловни идентификацияловчи транзакция коди;

якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахснинг номи ва СТИРи;

чек рақами;

тўлов суммаси;

операциянинг амалга оширилган санаси ва вақти.

Электрон пуллар банк-эмитент томонидан уларнинг эгаларига нақд пулга алмаштириш ёки нақд пулсиз маблағларни ЭП эгасининг банк ҳисобварақига кирим қилиш орқали қопланади. ЭП қопланганидан кейин муомаладан чиқарилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 29.04.2020 йилдан кучга кирди.

Хулоса: Юқорида такидлаб ўтилгандек ҳар бир электрон ўтказамларни тасдиқловчи чек,ҳужжат намуналари тақдим этилади. Тадбиркорлар ва юридик шахслар товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун электрон пуллардан фойдаланилади ва улар учун махсус ҳамёнлар шакллантирилади.Бу ҳам Хўжалик субъектлари тадбиркорлар учун енгиллик ва қулайликдир.Шу билан биргаликда **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларини кўриб ўттик. 2025 йил 1 июлдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатувчи**

бюджет ташкилотлари, газ ва нефть маҳсулотини сотувчи ва мулкни ижарага берувчи юридик шахслар мажбурий тартибда электрон тўлов тизимларига уланади ҳамда тўловларни улар орқали амалга ошириш имкониятини яратади. Бунда Электрон тизимга қўшимчалар киритилиб тизимлаштирилди.

Тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади. Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Электрон пуллар тизими операторининг электрон пуллар эмитенти ва (ёки) электрон пуллар эгалари билан ҳамкорлиги орқали электрон пуллардан фойдаланган ҳолда тўловлар ва бошқа операциялар амалга оширилишини таъминловчи тўлов тизими электрон пуллар тизимидир. Хавфсизлик тизимлари жорий этилади.

ФОЙДАЛИНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларнинг чиқарилиши ва муомилада бўлиши қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020-йил 29- апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами- 3231). Lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида» 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон қарори билан Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) электрон тижоратни тартибга солиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
Электрон тўлов тизимлари хизматларидан фойдаланишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 26.02.2025 йилдаги 117-сон

Kuchga kirish sanasi 05.03.2025.

4. www.m.b.uz. -Markaziy Banki sayti.